# ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДА МУҲИМ ДАВР

ПАРТИЯ ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр —ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш пайти келди. Бу галги ҳисобот ва сайловларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўзгартишлар киритилган КПСС Уставига амал қилинаётган бир пайтда бўлиб ўтади.

КПСС Устави қоидаларига биноан ҳисобот-сайлов кампанияси барча партия группаларида ва ҳисобида 15 нафардан кам КПСС аъзоси бўлган цех ҳамда бошланғич партия ташкилотларида ўтади. Йиғилишларда КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан бажарилган ишларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги масалаларини, ташкилий-партиявий ва идеология ишлари аҳволини кенг муҳокама қилинади.

Йиғилиш қатнашчилари асосий эътиборни албатта экономикага қаратадилар. Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан партия олға сурган вазифалар партия ташкилотларидан резервларни қидириб топиш ва ишга солишга ижодий ёндошишни талаб қилади. Гап фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш, уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш устида бориши керак.

Етти ойлик иш якунлари шуни кўрсатаяптики, ҳали ҳамма меҳнат коллективлари ҳам қайта қуриш йўлига тўла ўтганларича йўқ. Областнинг 30 дан ортиқ саноат корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини мунтазам бажармай келаяпти. Ҳар тўрт корхонанинг бири маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятни бажармаяпти. Оққўрғон, Коммунистик, Бўстонлиқ районларида эса мева-сабзавот тайёрлаш суръати қониқарсиздир. Оққўрғон, Ғалаба, Чиноз, Янгийўл районлари давлатга сут топширишда оқсамоқда.

Экономика, социал соҳадаги камчиликларни бартараф этиш кўп жиҳатдан қуйи партия звенолари ҳисобланган партия группалари ва цех партия ташкилотлари жанговарлигига боғлиқдир.

Одатда айрим кам сонли партия бўғинлари ва ташкилотларида йиғилишлар кўпинча паст савияда ўтади. Кўпгина масалалар бир-биридан ажралган ҳолда муҳокама қилинади, танқид ва ўз-ўзини танқид айтарли ривожланмайди, кадрлар масъулиятини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш масалаларига етарлича эътибор берилмайди. Бир сўз билан айтганда бу қуйи ташкилотларнинг йиғилишларида партиявийлик сезилмайди, кўпроқ хўжалик планёркаларига ўхшаб кетади, майда-чуйда масалалар билан ўралашиб қолинади.

Эндиликда бундай ҳолларга йўл қўйиш мумкин эмас. Коммунистларнинг йиғилишларида, иш якунлари бўрттирилмай, бўямай кўрсатилиши, ижобий тажрибалар умумлаштирилиши, камчиликлар ленинчасига дадиллик билан очиб ташланиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экономика самарадорлигини оширишнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатилиши керак. Ютуқ ва камчиликлар, имконият ва резервлар ҳаммадан кўра коммунистларга равшанроқ эмасми, ахир. Шу боисдан ҳам коммунистлар нималарга эришдилар ва нималарга эриша олмадилар, бунинг сабаблари қаерда — шуларни аниқ белгилаб олиш керак. Энг кичик коллективда ҳам умумий ишнинг боришига таъсир қилувчи бир қатор муаммолар борлигини унутмаслик лозим. Улар ҳисобга олинса ва зарур тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилса, пировард натижа янада яхшиланиши мумкин.

Йиғилишларда коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат топшириқларини бажаришдаги иштирокига, ғоявий-сиёсий билим даражасига, маънавий ва ахлоқий фазилатларига баҳо бериш керак. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси барча коммунистлар учун кенг ҳаракат программаси бўлиб қолди. Партия бўғинлари фаолият кўрсатаётган ҳар бир участкада хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларини жадаллаштиришнинг йўл-йўриқларини белгилаб олиш муҳимдир. Бу вазифани ҳал этиш учун ишлар марказига инсонни қўйиш, одамлар орасида жонли иш олиб бориш лозим бўлади. Партиявий ишни тубдан қайта қуришнинг асл моҳияти ҳам шундадир.

Маҳсулот сифати ҳақида алоҳида сўз бориши керак. Бу муҳим муаммони ҳал этишда қўлланилаётган янгиликлар ўзи учун йўл очолмаяпти. Масалан, енгил ва маҳаллий саноатда юксак сифат потоклари технологиясини олиб кўрайлик. Сўзда ҳамма бу усулнинг самарадорлигини инкор этмайди. Потокларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга аҳолининг талаби каттадир. Лекин бу тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмида поток усулида тайёрланган буюмлар миқдори атиги икки процентни ташкил этаётганлиги ҳаммани ажаблантирмоқда. Чамаси бунга эскича фикрлаш, лоқайдлик, бир қатор партия ташкилотларида ташаббус ва жанговарликнинг йўқлиги сабаб бўлаётганга ўхшайди. Шу боисдан ҳам чарм пойабзал, трикотаж, тикувчилик буюмлари, мебель саноати маҳсулотлари сорти пасайиб бормоқда, маҳсулотлар қайта ишлашга юборилаётганлиги учун уларнинг таннархи тобора ошмоқда. Бу соҳада коммунистлар ўзларининг ҳал қилувчи сўзларини айтишлари, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлларини кўрсатишлари керак.

Ҳамма жойда кам-кўстсиз ишлаш системасини жорий этиш ва бир маромда меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратиш, шахсий сифат белгиси қўйиш ҳуқуқи учун мусобақани ташкил этиш, бракчиларга, ишга ҳафсаласизлик билан қаровчи кишиларга нисбатан кескин чоралар кўриш лозим. Маҳсулот сифати фақат касб маҳоратини кўрсатувчи белги бўлиб қолмай миллий ифтихор рамзи ҳам эканлигини бир дақиқа унутмаслигимиз керак

Йиғилишларда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг ўз иш жойида ҳалол ва виждонан, тўла қувват билан ишлашига эришиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар, инсон омили ролини ошириш ҳақида жиддий гаплар бўлиши лозим. Айрим коллективларда бу муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Ҳатто интизомсизлик ҳолларини яшириш, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар, дангасалар, ташмачиларни назоратдан ҳоли қолдириш, кўнгилчанлик қилиш ҳоллари рўй бермоқда, жамиятга зид ҳатти-ҳаракатлар жазосиз қолмоқда.

1986 йилнинг биринчи ярмида прогуллар ва меҳнат интизомининг бузилиши натижасида область саноат корхоналарида 130 мингдан кўпроқ ишчи куни йўқотилди. Бунинг оқибатида 12,2 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Бундай салбий ҳолатлар билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар аҳволини жиддий муҳокама этиш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда имкони борича аниқликка ва ишчанликка эришиш юзасидан КПСС XXVII съезди кўрсатмалари партия ташкилотларида қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил қилиш зарур. Идеология ишида ошкораликни таъминлаш, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида қайта қуриш жараёнида туғилаётган янгиликларни, ижобий ўзгаришларни англаб, тарғиб этиш муҳим вазифадир.

Ҳисобот-сайлов кампанияси партия ташкилотлари структурасини янада яхшилашга ёрдам бериши керак. Бу соҳада ҳам кўпгина камчиликлар бор. Уларни бартараф этиш учун партия ташкилотлари структурасини яна бир бор диққат билан ўрганиб чиқиш, коммунистларни етакчи участкаларга жойлаштириш лозим бўлади. Бригадаларда партия группалари тузиш устида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоғи керак.

Партия ташкилотларининг жанговарлиги кўп жиҳатдан уларга раҳбарлик қилаётган кишиларга боғлиқдир. Раҳбарликка энг обрўли, ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларда катта тажриба тўплаган, юксак аҳлоқий фазилатларга эга бўлган, ташаббускор, принципиал, мансабдор шахслар билан муносабатларнинг бузилишидан қўрқмайдиган, Устав ва партия нормаларининг бузилишига йўл қўймайдиган коммунистларнинг келиши муҳимдир. Улар илғор ишчилар, колхозчилар, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида банд бўлган халқ хўжалиги мутахассислари орасидан чиққан нисбатан ёш, серғайрат кишилар бўлиши керак.

Областдаги кўпгина партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўришда маълум тажриба тўплаганлар. Бу ишларга кўплаб коммунистларни жалб этиш муҳимдир. Шунда ҳисобот докладини муҳокама қилишда улар активлиги яна ҳам ошади.

Йилнинг бош йиғилиши ҳаддан ташқари ташкилотчилик ва дабдабабозликдан, хотиржамлик ва кўнгилчанликдан ҳоли бўлиши керак. Очиқчасига, юзма-юз гаплашиш учун барча шароитлар яратилиши, коммунистларнинг ўз ихтиёрлари билан сўзга чиқиб, дадил танқидий фикр ва мулоҳазалар билдиришлари учун йўл очиб берилиши керак.

Тажрибадан маълумки, юқори партия органлари бу муҳим кампаниянинг боришига конкрет раҳбарлик қилган тақдирдагина ҳисобот-сайлов йиғилишлари ғоявий-ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтади. Бунда хўжакўрсинчилик билан муроса қилиб бўлмайди. Йиғилишларда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари ҳамда бюро аъзолари, сайлаб қўйилган партия активлари, хўжалик органлари раҳбарларининг иштирок этишлари мажбурийдир. Бунда гап фақат йиғилишларда уларнинг шунчаки иштироки устида эмас, балки шу куннинг муҳим вазифаларини аниқлаб олишда коммунистларга кўмаклашиш, навбатдаги иш программасини тўғри белгилаш устида бораяпти. Йиғилишларда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бажариш юзасидан кўрилган тадбирлар ҳақида партия активи ва барча коммунистларга мунтазам ахборотлар бериб бориш муҳим вазифадир.

Коммунистлар активлиги ва жанговарлиги ҳар бир партия ташкилоти муваффақиятининг гаровидир. Шунинг учун ҳам партия уларнинг ҳар биридан жамоатчилик олдидаги бурчни ва партия қарорларини виждонан бажаришни, ҳамиша пок ва ҳалол бўлишни талаб этмоқда.

Областнинг кўпгина шаҳар ва районларида ҳисобот-сайлов кампанияси арафасида бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш тажрибаси яна ҳам такомиллашмоқда, коммунистлар билан якка тартибда суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Бу яхши тажрибадир. Коммунистлар ўз партиявий бурчларини қандай адо этаётганликларини ва меҳнатдаги муваффақиятларини, турмушда ўзларини қандай тутаётганликларини диққат билан таҳлил этиш, маслаҳат ва истаклар билдириш уларнинг ғоявий жиҳатдан чиниқишларига, ўз касб маҳоратларини оширишга, меҳнат ва сиёсий активликларини ўстиришга ёрдам беради.

Талабчанлик ва яна талабчанлик! Бугунги кун шиори шундай. Бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишлар ҳисобот-сайловларни амалий ва танқидий руҳда ўтишига кўмаклашиши, ҳисобот-сайлов кампанияси ҳар бир партия ташкилоти кучларининг жиддий кўригига айланмоғи керак.

## СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

**«Чиноз» совхоз техникуми клубида бўлиб ўтган семинар-кенгашга партия группалари ташкилочилари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари таклиф этилди. Район партия комитетининг иккинчи секретари Э. К. Собиров улар ҳузурида партия ташкилотларида яқинда бошланадиган ҳисобот сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш соҳасидаги вазифалар тўғрисида доклад қилди.**

**Семинар қатнашчилари район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Э. Бердиевнинг суҳбатини ҳам қизиқиш билан тинглашди. У КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми талаблари асосида партия ташкилотларида идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни қайта қуриш юзасидан зарур маслаҳатлар берди. Район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири Т. Умаров партия раҳбар органларига сайловлар ўтказиш юзасидан баъзи ўзгаришлар ҳақида тушунтириш берди.**

**Шундан сўнг семинар қатнашчилари ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан бажарилган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.**

**Шундай семинар-кенгашлар областимизнинг бошқа район ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.**

*Эртага—Қурувчилар куни*

# БУНЁДКОРЛИК ҲИССИ

**БИНОКОРЛИК шарафли касб. Уларнинг қадами қутлуғ, нияти пок, мақсади олийжаноб. Чунки улар қаерда бўлишмасин яратувчилик, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишади. Бутун-бутун шаҳарлар, йирик-йирик саноат корхоналари, уй-жой массивлари барпо этишади. Қурувчилар мамлакатимизда юксак қадрланади, улар ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз билан қуршаб олинган. Ҳар йили нишонланадиган бинокорлар куни ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шу айём арафасида мухбиримиз Тошкент область ижроия комитети капитал қурилиш бўйича катта референти Л. Н. КОЧУРЕВАга мурожаат қилиб, бинокорларимизнинг ўз байрамларини қандай ютуқлар билан кутиб олаётганликлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:**

— Эртага бунёдкорлар ўзларининг касб байрамлари-қурувчилар кунини тантанали равишда нишонлайдилар. Ҳар йили қурувчилар кунини меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда байрам қилиш область бинокорларининг анъанасига айланиб қолди. Улар бу йилги байрамни ҳам ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришилган ҳолда нишонлаяптилар. Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили олти ойи ичида 233,8 миллион сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Шу муддатда 297,7 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилдики, процент ҳисобида бу ўтган йилнинг шу давридагидан 10 процент кўпдир. Юзлаб оилалар кўплаб янги квартираларга кўчиб киришди. Ярим йил ичида 188526 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Мактабларда янги ўқув йили бошланишига оз муддат қолмоқда. 1 сентябргача жами 12350 ўринли янги мактаблар ишга туширилади. Шу кунгача Ўрта Чирчиқ районининг Қорасув посёлкасида, Ангрен шаҳрида 1176 ўринли, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида 1568 ўринли янги мактаблар ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув посёлкасида, Бекобод районидаги Ойбек номли, Колпакова номли совхозларда байрам арафасида 90 ўринли болалар боғчалари қурилиб кичкинтойларга ҳадя этилди. Айниқса, Ойбек номли совхоз қурувчилари ҳиммат кўрсатиб ишлаб, объектни муддатидан 4 ой илгари ишга топширдилар.

Ярим йиллик кўрсаткичлар ҳарқанча юқори бўлсада хотиржамликка ўрин йўқ. Съездлар йилида ҳар доимгидан ҳам зўр кўтаринкилик, шижоат билан, сифатли ишлаш қурувчилар олдидаги асосий вазифадир.

Барча қурилиш трестлари, бошқармалари ва бригадаларида мусобақанинг илғор усуллари кенг жорий этила бошланди. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив методлари — бригада пудрати ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этилмоқда. Илғор тажрибалар кенг оммалаштирилмоқда.

Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари зарбдор объектларда моҳирлик билан қўлланилаяпти. Буларнинг ҳаммаси капитал қурилиш самарадорлигини жадал суръатларда олиб бориш имкониятларини туғдирмоқда.

Ҳозирда 807 та қурилиш бригадалари ана шу прогрессив метод асосида ишлаб ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу усулда иш юритаётган меҳнат коллективларида унумдорлик юқори, иш сифати эса аъло даражада бўлмоқда.

Бугунги кунда областимизда капитал қурилиш соҳасида минглаб бригадалар самарали меҳнат қилмоқда. Орджоникидзе районидаги 3-механизациялашган кўчма колоннанинг Антон Юнг етакчилигидаги бригада коллективи асосан уй-жойлар бунёд этади. Қурувчилар йил бошидан бери 2 та 48 квартирали уйни фойдаланишга топширишга муваффақ бўлдилар. Коллектив шу кунларда ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқда. Пудрат асосида ишлаётган бу илғор коллектив объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш билан ҳам ном чиқарган.

Бекобод районидаги «Узагропромстрой» бирлашмасининг 2-трестига қарашли 10-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасидан С. Маннанов, Х. Эргашев, «Ташкентводстрой» трестининг 6-механизациялашган кўчма колоннасидан М. Кокач, «Узбекшахтострой» трестидан Д. Зазулин етакчилигидаги бригадалар қурилиш объектларида кўрсатаётган қаҳрамонликлари таҳсинга лойиқ.

Партия-ҳукуматимиз капитал қурилиш ишларида юксак натижаларга эришишни асосий вазифалардан бири деб ҳисобламоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида «Янги беш йилликда капитал қурилиш ҳажмлари ғоят каттадир. Шу мақсадлар учун салкам бир триллион сўм ажратилмоқда. Қурилиш-монтаж ишларининг ўзигина 500 миллиард сўмдан кўпроқ ёки ўн биринчи беш йилликдагига қараганда 20 процент ортиқ адо этилади», деб таъкидлаб ўтди. Буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг бахт-саодати, Ватанимизнинг янада равнақи йўлида қилинаётган доимий ғамхўрликларининг ёрқин намунасидир. Бунёдкорлар эса бу улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажарилишига ўзларининг амалий ишлари билан муносиб ҳисса қўшадилар, албатта.

А. ҒУЛОМОВ.

## МУСОБАҚА КУЧГА - КУЧ ҚЎШАДИ

7 август куни Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида мусобақадош Тошкент ва Жиззах областларининг «Съезддан-съездгача» мавзуидаги ҳисобот кўрик-кўргазмаси очилди. Экспозиция КПСС XXVII съезди белгилаб берган жадаллаштириш программасини амалга ошириш учун курашаётган халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнатчилари эришган ютуқлар билан таништиради.

Қайта қуриш саноат корхоналарининг ишига туб ўзгаришлар киритди. Кўргазмага қўйилган экспонатлар буни яққол кўрсатмоқда.

Кўрик-кўргазманинг тантанали очилиш маросимида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш йўллари тўғрисида, Тошкент ва Жиззах областлари корхоналари, колхоз ва совхозларида илғор тажрибаларни тезроқ жорий этиш зарурлиги ҳақида қизиқарли гаплар бўлди.

(ЎзТАГ).

**◆ «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 153-трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг Эргаш Ҳасанов етакчилигидаги бригадаси коллективи ўзларининг анъанавий касб байрамлари — қурувчилар кунини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишди. Улар Сергели-3 микрорайонида «Таштеплокоммунэнерго» бирлашмаси ёш ишчилари учун ётоқхона ва иккита 9 қаватли турар-жой блокини муддатдан анча олдин монтаж қилиб бўлдилар. Суратларда: ётоқхонанинг умумий кўриниши; бригаданинг бир группа аъзолари янги объект лойиҳаси билан танишмоқдалар.** М. Юсупов фотолари.





# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ИСТАПА (Мексика). Бу ерда олти давлат бошлиқларининг учрашуви бошланди. Учрашувда Аргентина президенти Рауль Альфонсин, Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди, Греция Бош министри Андреас Папандреу, Мексика президенти Мигель де Ла Мадрид, Танзаниянинг собиқ президенти Жулиус Ньерере, Швеция бош министри Ингвар Карлссон қатнашмоқдалар. Тинчлик, ядро хавфини ялпи ва батамом тугатиш учун курашнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш кун тартибига қўйилган.

● ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Рейган чоршанба куни ўзининг машъум «самовий урушлар» программасини ёқлаб яна нутқ сўзлади. У ўнг консерваторлар ташкилотлари ва ҳарбий саноат монополиялари вакилларидан пухта саралаган шахслар ҳузурида гапириб, АҚШ ракетага қарши мудофаа космик системасини ишлаб чиқишни туғаллаш, сўнгра эса мазкур системани жойлаштириш ниятида эканлигини маълум қилди.

(ТАСС).

### БОСМАЧИЛАР МАҒЛУБИЯТГА УЧРАМОҚДАЛАР

КОБУЛ, 7 август. (ТАСС). АДР хавфсизлик кучлари кейинги бир неча кун ичида Вардак вилояти ва Шинвар округининг бир қанча районларини босмачилардан тозаладилар. Бўлиб ўтган жанглар чоғида ўнлаб босмачи, шу жумладан уларнинг қўрбошилари қириб ташланди. Босмачилар деҳқонларни ур-йиқит қилиб, ҳосилни ўриб-йиғиб олишга қўйишмаётганди.

БАХТАР агентлигининг хабарига кўра, кўпдан-кўп қуроллар, шу жумладан учирадиган установкалари бўлган ракеталар, оғир пулемётлар, танк ва пиёдаларга қарши қўйиладиган миналар ўлжа олинди. Ғарбда ишлаб чиқарилган катта ўқ дори омбори тугатилди. Босмачиларнинг иккита радиостанцияси ҳам хавфсизлик кучлари қўлига тушди. Бу станциялар Покистондаги Ғарб махсус хизматларининг ваколатхоналари билан алоқа боғлаб туришга хизмат қиларди.

### ЛИВАНДА КЕСКИНЛИК САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА

БАЙРУТ, 7 август. (ТАСС). Исроил босқинчилари ва уларнинг қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»даги гумашталари «хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зона яқинида жойлашган бир қанча аҳоли пунктларини шиддатли тўпга тутдилар.

Кеча партизанлардан бир группаси Байт-Лиф қишлоғи яқинидаги тош йўлда Исроилнинг механизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қилди. Босқинчилардан бир неча киши ўлдирилди ва ярадор қилинди, иккита автомашина мажақланди. Худди шу куни ватанпарварлар босқинчиларнинг Ал-Хиём районидаги позициясини гранатомётлар ва автомат милтиқлардан ўққа тутиб, битта бронетранспортёрни ва автомашинани йўқ қилдилар.

### ТАИЛАНДНИНГ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ПНОМПЕНЬ, 7 август. (ТАСС). СПК ахборот агентлигининг хабар қилишича, Таиланд Кампучияга қарши қуролли иғвогарликларини давом этирмоқда. Таиланд артиллерияси 25 июлдан 31 июлгача Кампучиянинг Баттамбанг ва Поусат вилоятларидаги чегара районларини бир неча марта тўпга тутди. Ана шу вақт мобайнида КХРнинг осмон чегараси 20 марта бўзилганлиги қайд этилди. Таиланд томони Кампучиянинг территориал сувларига ҳам кўп марта бостириб кирди.

### ИТАЛИЯ ҲУКУМАТИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

РИМ, 7 август. (ТАСС). Италия парламентининг сенатида социалист Беттино Кракси бошчилигидаги янги ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисидаги масала хусусида овоз берилди.

181 сенатор ҳукуматга ишонч билдиришни ёқлаб чиқди, 114 сенатор эса унга қарши овоз берди. Бу ҳукуматга христиан-демократик, социалистик, республикачилар, социал-демократик ва либерал партияларнинг вакиллари яна аъзо бўлдилар.

### НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

САН-ФРАНЦИСКО, 7 август. (ТАСС). «Шақилдоқ илонлар жаннати» деб нохуш ном билан аталган, жазирама иссиқдан қовжираб ётган қарийб 3 минг гектар майдон бир неча қатор тиканли симлар билан ўраб олинган. Бу ерда оммавий қирғин қуролининг янги турлари синаб кўрилади. Унинг ёнгинасида Пентагоннинг ядро қуролларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи энг катта илмий маркази бўлган Лоуренс радиацияси лабораторияси жойлашган.

Болали аёллар, ёшлар ва кексалар, Калифорниядаги турли жамоат ва диний ташкилотларнинг вакиллари АҚШ маъмуриятининг милитаристик сиёсатига қарши кескин норозилик билдириш учун бу ерга келдилар. Улар Вашингтон расмий доираларидан дарҳол Совет Иттифоқидан намуна олишни ва барча ядро портлатишларини тўхтатишни талаб қилдилар. «Биз Хиросима атом бомбардимони қурбонлари хотираси кунида фожиа такрорланмаслиги керак, деймиз», — деди «Социал масъулият учун курашувчи врачлар» ташкилоти раҳбарлигининг вакили Рик Ван Ринен.

Сан-Франциско, Сан-Хосе, Беркли ва Калифорниянинг бошқа шаҳарларида, Вашингтон ва Орегон штатларида жамоатчиликнинг АҚШда ядро синовлари тўхтатилишини талаб қилишга бағишланган намойишлари, митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтди Маъмурлар намойишларни тарқатиб юбориш учун полицияни ишга солдилар. Юзга яқин киши қамоққа олинди.

### СУНЪИЙ ЮРАКЛИ КИШИ ВАФОТ ЭТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 август. (ТАСС). Бир ярим йилдан кўпроқ вақт сунъий юрак билан яшаган Уильям Шредер Кентукки штатининг Луисвилл шаҳридаги касалхонада 54 ёшида вафот этди. 1984 йил ноябрь ойининг охирларида қарийб етти соатлик операциядан кейин унга механик «юрак» — махсус ясалган «Жарвик-7» аппарати ўрнатилган, шу аппарат организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаб турган эди.

